

Ҳ У К М

Ўзбекистон Республикаси номидан

2021 йил 01 июль

Қува тумани.

Жиноят ишлари бўйича Қува тумани суди, раислик қилувчи Қ.Абдуллаев, Г.Исмоиловнинг котиблигида, тарафлардан Қува тумани прокурори ёрдамчиси Д.Абдуваққосов, Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 1-қисми ва 228-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланган

Исаков Шухрат Хабибуллаевич (Isakov Shuxrat Xabibullayevich), 04.11.1968 йилда Қува туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, муқаддам:

1) ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 3 июнь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 212-моддаси билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судининг 2009 йил 17 октябрь кунги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 9 ой 10 кун жазо муддати шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2010 йил 15 июль кунги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари жазодан шартли озод қилинган;

2) ЖИБ Қувасой шаҳар судининг 03.07.2019 йилдаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,209-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, унга нисбатан 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2020 йил 17 июнь кунидаги ажримига мувофиқ жазодан шартли озод қилинган; оилали, 3 нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, “Лола” кўчаси 65-уйда яшайди, 26.04.2021 йилда эҳтиёт чораси сифатида “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” қўлланилган,



айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 3 май куни
олганга оид

1-1511-2102/129-сонли жиноят ишини ўз биносида, очиқ суд мажлисида
кўриб чиқди.

Суд, судланувчи ва гувоҳлар кўрсатувини, тарафларнинг музокара,
химоя ва охириги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб ва
ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Исаков Шухрат 2020 йилнинг 04 май куни Қува
тумани “Иномова Зебохон Файзи” номли деҳқон хўжалиги номидан
Фарғона вилояти Божхона бошқармасига қарашли “Водий” ТИФ орқали
қиймати 57 973,5 АҚШ долларлик, 19.324,6 килограмм гилос
меваларини Қирғизистон Республикасига экспорт қилиш билан боғлиқ
бўлган божхона ҳужжатларини расмийлаштирган бўлса-да, келгусида
дебитор қарздорликни камайтириш мақсадида экспорт қилинаётган
мева миқдорини 17.040,0 килограмм ва уни қийматини 19.425,6 АҚШ
доллари сифатида камайтириб кўрсатиб, расмий ҳужжатни
сохталаштириб, “092” сонли муҳрни босиб, ҳужжатларни қалбаки
эканлигини била туриб, Қирғизистон Республикасининг давлат божхона
органларига тақдим этиб, у расмий ҳужжатларни қалбакилаштириб,
ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланган.

Судга оид хатшунослик экспертизасининг 2021 йил
14 январдаги 29/21-07(12)1.1.Z/7-сонли хулосасида, божхона
ҳужжатларга қўйилган имзолар Ш.Исаков томонидан томонидан
қўйилганлиги маълум қилинган.

Судланувчи Исаков Шухрат судда ўзига эълон қилинган айбловга
тўлиқ иқрор бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан қўшни
давлатларга товарлар экспорт ва импорт қилиш билан шуғулланиб
келишини, 2020 йил май ойида “Иномова Зебохон Файзи” деҳқон
хўжалиги номидан Қирғизистонга 57.973 АҚШ доллари миқдоридagi
гилос мевалари экспорт қилгани, деҳқон хўжалиги номидан ишончнома
орқали гилос меваларининг экспорти учун зарур бўлган барча
ҳужжатларни тайёрлагани, божхона “Ўзбекистон” божхона чегара пости
орқали юкларни чиқариб юборгани, бўш оқ қоғозга “Иномова Зебохон
Файзи” деҳқон хўжалиги муҳрини босиб, шахсий имзосини қўйиб бериб
юборгани, 2021 йил 16 январь куни 2020 йил май ойида Қирғизистонга
экспорт қилган гилос мевалари ҳужжатларида тафовут бўлганлиги
ҳақида билгани, 04.05.2020 йил куни экспорт қилган 57.973 АҚШ
доллари миқдоридagi гилос мевалари Қирғизистон Республикасига
19.425.60 АҚШ доллари миқдоридa импорт қилинган бўлганлигини,
қирғизистонлик ўзига нотаниш ҳайдовчи орқали бўш оқ қоғозга



муҳрини босиб, шахсий имзосини қўйиб бериб юборгани, 04.05.2020 йил кунги 1-сонли инвойснинг асл нусхасига босилган *092* ёзувли муҳр ким томонидан қўйилганини билмаслиги, лекин, бериб юборган бўш қоғоз Қирғизистон Республикасида уни номидан тўлдирилиши, деҳқон хўжалиги муҳри билан тасдиқланиб, деҳқон хўжалиги номида расмийлаштирилишини билгани, айбига қисман иқрорлигини, ўзига нисбатан енгиллик берилишини сўради.

Гувоҳ Э.Иномов судда ўз кўрсатувида, Ш.Исаков қайнотаси бўлиши, 2015 йил июлда ташкил этилган “Иномова Зебохон Файзи” деҳқон хўжалиги раҳбари онаси З.Иномова экани, 2019 йил февраль ойида деҳқон хўжалигини юритиш учун қайнотаси Ш.Исаков ишончнома орқали берилгани, деҳқон хўжалиги иш юритуви ва ҳужжатларига улар аралашмагани, ишончномага кўра, деҳқон хўжалиги номида имзо чекиш, банк амалиёти, шартномалар тузиш ва бекор қилиш ҳуқуқи Ш.Исаковга берилгани, деҳқон хўжалиги экспорт ишларига аралашмагани, 2020 йил май ойида “Иномова Зебохон Файзи” деҳқон хўжалиги номидан Қирғизистонга “Абдурахмонов Ойбек Махмуджанович” номли тадбиркор номига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинганлигини терговда билгани, экспорт қилишда “Иномова Зебохон Файзи” деҳқон хўжалиги томонидан ҳужжатларни ўзгартирилган ёки қалбакилаштирилганидан хабардор бўлмаганлигини маълум қилди.

Гувоҳ З.Иномова судда ўз кўрсатувида, Қува туманидаги “Иномова Зебохон Файзи” деҳқон хўжалиги раҳбари экани, деҳқон хўжалигини қудаси Исаков Шухратга иш юритуви ва ҳужжатларини ишончнома орқали топширгани, деҳқон хўжалиги номидан гилос экспорт қилингани, деҳқон хўжалиги ишларига аралашмаслиги, ҳужжатлар қалбакилаштирилгани хабари йўқлигини билдирди.

Суд, Ш.Исақовнинг қирғизистонлик ўзига нотаниш ҳайдовчи орқали бўш оқ қоғозга муҳрини босиб, шахсий имзосини қўйиб бериб юборганини, 04.05.2020 йил кунги 1-сонли инвойснинг асл нусхасига босилган фойдаланишдан чиқарилган *092* ёзувли муҳр ким томонидан қўйилганини билмаслиги ҳақидаги кўрсатувини қилмишини оқлашга қаратилган ҳаракатлар деб баҳолайди.

Судланувчи Ш.Исақовнинг юқоридаги жиноятларни содир этганликдаги айби, баён этилганлардан ташқари, судда ўқиб эшиттирилиб, текширилган гувоҳлар Р.Рўзиев, А.Ахунов, И.Ахунов ва Ж.Хайдаровларнинг кўрсатувлари, шунингдек, мутахассис далолатномаси, олинган тушунтириш хатлари, ўтказилган экспертиза хулосаси ва қалбаки божхона юк декларацияси билан тўлиқ тасдиғини топган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ш.Исақовнинг жинойи қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 1-қисми банди билан тўғри квалификация қилинган деб



ҳисоблайди. Чунки, Ш.Исақов меваларини Қирғизистон Республикасига экспорт қилиш билан боғлиқ бўлган божхона ҳужжатларини сохталаштириб, “092” сонли муҳрни босиб, ҳужжатларни қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланган.

Суд, судланувчи Исаков Шухратга нисбатан жазо тури ва уни миқдорини белгилашда, айбига иқрорлиги ва пушаймонлиги, қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ғаразли ва паст ниятларда жиноят содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топишни;

ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2020 йил 17 июнь кундаги ажримига мувофиқ, ўталмай қолган 5 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан шартли озод қилингани ва юқоридаги жиноятларни шартли жазо яқунланмай содир этганини эътиборга олиб, юқоридаги жазонинг шартлилигини бекор қилиб, уни янги тайинланган жазога ЖК 60-моддасига мувофиқ қўшиб жазо тайинлашни;

Фарғона вилояти бошқармаси божхона назоратини ташкил этиш бўлимида сақланаётган *092*-рақамли шахсий муҳрни белгиланган тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468 ва 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Исаков Шухрат Хабибуллаевич (Isakov Shuxrat Xabibullayevich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 1-қисми ва 228-моддаси 3-қисми билан айбли деб топилсин.

Ш.Исаковга Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 1-қисми билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлатга ундирган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖК 228-моддаси 3-қисми билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлатга ундирган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддаси 2-қисмига асосан судланувчи Ш.Исаковга тайинланган жазоларнинг қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлатга ундирган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Судланувчи Ш.Исақовга ЖИБ Қувасой шаҳар судининг 2019 йил 17 июнь кунги ҳукми билан тайинланган ва ўталмай қолган 5 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ЖК 60-моддасига асосан янги жазога қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлатга ундирган ҳолда 1 (бир) йил 10 (ўн) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони ижро этиш Қува тумани ИИБ пробация гуруҳига юклатилсин. Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Қува тумани ИИБ пробация гуруҳи томонидан белгиланган жойда ўтаттирилсин.



Жазони ўташ муддати маҳкум ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Ш.Исаковга қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Фарғона вилояти бошқармаси божхона назоратини ташкил этиш бўлимида сақланаётган *FARG'ONA VILOYATI * FE *FEGANA REGION*092* ёзувли юмалоқ муҳр белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилинган, судланувчилар ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган йигирма сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Қ.Абдуллаев

